

Қуръони Карим дарслари (82-дарс). Насхнинг ўринлари



15:00 / 21.04.2020 5866

(иккинчи мақола)

Суннатнинг суннат билан насх қилиниши.

«Суннат Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан асар бўлиб қолган гап, иш, тақрирдир».

Суннат бизга етиб келиши жиҳатидан икки қисмга бўлинади:

1. **Мутавотир хабар.** Муайян адад билан чегараланмаган йўллар ила бизга етиб келган хабар «мутавотир хабар» дейилади.

2. **Оҳод хабар.** Бизга етиб келгунча бўлган йўллари муайян адад билан чегараланган хабар «оҳод хабар» дейилади.

Мутавотир суннатнинг мутавотир суннат билан, оҳод суннатнинг оҳод суннат билан насх бўлишида уламолар орасида ҳеч қандай хилоф йўқ. Чунки бу ҳолатда насх қилувчи ҳам, насх бўлувчи ҳам тенг қувватга эга бўлади. Худди шу нарса матнларнинг бири иккинчисини насх қилиши жоизлигида асосий шартлардан биридир.

Шунга биноан, оҳод суннатни мутавотир суннат насх қилиши бирламчи ва кучли ишлардан бўлиб қолади. Чунки бу ҳолатда насх қилувчи насх бўлувчидан кучлидир. Аммо оҳод суннат мутавотир суннатни насх қилишига келсак, уламолар бу ҳолатнинг воқеъ бўлмаганига иттифоқ қилганлар.

Суннатни суннат насх қилишига мисоллар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Исломининг илк босқичида ивитиб тайёрланадиган ичимлик – набизни баъзи қалин идишларда тайёрлаш ва ичишдан қайтарганлари. Чунки бунда баъзан ичимлик маст қилувчи бўлиб қолиши мумкин эди. Идишлар қалинлиги сабабли ичимликнинг маст қилувчи бўлиб қолганини аниқлаб бўлмас эди.

Кейинроқ, хамрнинг ҳаромлиги қарор топганидан ва у ҳақдаги билим одамлар орасида кенг тарқаб бўлганидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига ва умматларига маст қилувчи бўлмаган ичимликларни барча идишлардан ичаверишга рухсат бердилар.

هَلَلِى لَصِيْبِيَنَّ لَى لَعَسَى قَوْلِ دُبْعٌ وَ مَدَقٌ : تَلَقَّ اَقَاهُ نَعُ هَلَلِى لَصِيْبِيَنَّ لَعَسَى اَعْنَع
رِيْقِنُّ لَوِ اَبُّ دَلِى فِى اُوْذِبَّتِنِّى نَأْمُ هَاهُنْفِ ذِيْبِّن لِنَعُ هُوَ اَسْفِ م لَسُو هِى لَع
ةٌ سَمَّ حُلَّ اَوْرَءِ مَتَّ حَلَّ اَوْتَّ فَزُمُّ لَوِ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Абдулқайс вафди Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, у зотдан набиз ҳақида сўрашди. Шунда у зот уларни дуббода, нақирда, музафбат ва ҳантамда набиз тайёрлашдан қайтардилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилишган.

Вафд – олий мартабали томонга юборилган вакиллар, элчилар гуруҳи.

Дуббо – қуритиб, ичи ўйилган қовоқ.

Нақир – қуритиб, ичини ўйиб, идиш ясалган хурмо илдиши.

Музафбат – зифт билан бўялган идиш. Зифт меш ва саноч каби идишларни сув ўтмайдиган қилиб мустаҳкамлаш учун ишлатиладиган елимсимон қора модда бўлган.

Ҳантам – лой, жун ва қон аралашмасидан ясаладиган хум.

Набиз – хурмо ёки майизни сувга солиб, ивитганда ҳосил бўладиган хуштаъм, маст қилмайдиган ичимликдир. Аммо набиз тайёрлашда хатога йўл қўйилса, ичимлик хамрга айланиб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун бу ичимлик ҳақида саволлар кўп бўлади. Набизнинг соф ва шубҳасиз бўлишида идиш ҳам муҳим ўрин тутди. Шу маънода ушбу ривоятда зикр қилинган тўрт хил идишда набиз тайёрлаш мумкин эмас.

مُكْتَبِي هَنْتُنْكَ لِقَاقِ مِلْسُو هِي لَعَلَّ لِي صِي بِنَلَانَا نُعْنَعُ لَلِإِيضَرَّةِ دِي رُبْ نَعْنَعُ
هُوَ. أَرْكُسُ أَوْ بَرَشَاتِ الْوِءَاعِ وَ لُكْ يِفِ أَوْ ذَبْتْنَا فِ الْعَيْ قِسْ أَلِ يِفِ الْإِذَابِ نَلِ نَعْنَعُ
مِلْسُ.

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларни мешлардан бошқада набиз тайёрлашдан қайтарган эдим. Энди барча идишларда набиз тайёрлайверинг. Маст қилувчини ичманг», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

2. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исломнинг дастлабки босқичида саҳобаларини қабрларни зиёрат қилишдан қайтарганлар. Кейин эса бу қайтариқ насх қилинган. Шу хусусдаги ҳадиси шарифда насх қилувчи ҳам, насх қилинган ҳам бир ҳадисда зикр қилинган.

هِي لَعَلَّ لِي صِي بِنَلَانَا نَعْنَعُ، نُعْنَعُ لَلِإِيضَرَّةِ دِي رُبْ نَعْنَعُ، عَيْ دِي رُبْ نَعْنَعُ نَعْنَعُ
رُبْقَةَ رَايَزِي فِ دِمْحَمَلِ نَدَا دَقَفْ رُوْبُقُلَلِ رَايَزِي نَعْنَعُ مُكْتَبِي هَنْتُنْكَ دَقْ «: لِقَاقِ مِلْسُو
يِي دِمْرَتِ لَلِ طَفَلِ أَوْ يِي رَاخْبَلِ أَلِ عَيْ مَحْلَا هُوَ. «رَخَالُ رُكْدَتِ أَهْنِإِ، أَهُرُورَفِ هُوَ أ

Сулаймон ибн Бурайда отасидан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Батаҳқиқ, Муҳаммадга онасини зиёрат қилишга изн бўлди. Бас, у(қабр)ларни зиёрат

هُوَ أَوْرَ . «أَهِي فِ أُنِّي عُتَّ نَّ أَتَدْرَأُفُ دَّهَجِ سَان لِبَابِ نَاكَ مَاعْلَا كَلَدَّ نِإْفِ ، أُوْرِحُّ دَاوِ أُوْمَعُ طَأُو
ةَسْمَخْلَا

Салама ибн Акваъ розияллоху анҳудан ривоят қилинади.

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким қурбонлик қилса, учинчи(кун)дан кейин уйда ундан бирор нарса бўлган ҳолида тонг оттирмасин», дедилар. Келаси йили:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ўтган йили қилганимиздек қилайликми?» дейилди.
У зот:

«Енглар! Таомлантиринглар! Сақлаб қўйинглар! У йили одамлар қийинчиликда эдилар. Уларга ёрдам беришингизни хоҳлаган эдим», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилишган.

Демак, Набий соллаллоху алайҳи васаллам мусулмонлар очарчилик туфайли қийинчиликка дучор бўлган йиллари қурбонликнинг гўштини уч кундан ортиқ сақлаб туришни ман қилганлар. Мазкур ҳолат ўтиб, тўқчилик бўлганда эса ҳам ўзлари еб, ҳам ўзгаларга бериб, ҳам сақлаб қўйишга рухсат берганлар.

(Давоми бор)

«Қуръон илмлари» китобидан